



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz

№28

2026-yil
15-iyul, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



АКС-САДО



ОБОД МАСКАНЛАР САРИ

1945 йилда ташкил этилган ва ўтган йили 80 йиллик юбилейи кенг нишонланган Бекобод шаҳри бугунги кунда юртимиздаги қудратли саноат ва бунёдкорлик марказларидан ҳисобланади. Юз мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилаётган бу шаҳарнинг ривожланиши асосан металлургия комбинати қурилиши билан боғлиқ. Шунингдек, Фарҳод ГЭСи ва цемент заводи ҳам шаҳар тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

► (Давоми 3-бетда)

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА БУЮК МАДАНИЯТ ТУТАШГАН ЧОРРАҲА



7-11 июль кунлари юртимиз яна бир йирик халқаро анжуманга мезбонлик қилди. Қирқдан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган таниқли олимлар, ICESCO, IRCISA, ТУРКСОЙ, Халқаро Туркий академия сингари нуфузли ташкилотлар вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва диний конфессиялар намоёндалари ташриф буюрган мазкур Ислон цивилизацияси I халқаро форуми "Жаҳолатга қарши маърифат" концептуал ғоясини илгари сураётган Янги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги ўрни ҳамда нуфузи нақадар ошиб бораётганини яна бир қарра тасдиқлади.

► (Давоми 6-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС ИШИ: БАҲС, МУНОЗАРА, ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ҳам, одатдагидек, ижтимоий ҳаётимизга дахлдор муҳим масалалар, хусусан, жамиятдаги барқарорлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун лойиҳаларининг қизғин муҳокамаси остида кечди.

Даставвал мажлисда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди. Кун тартибидagi масала юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А. Бурхонов ахборот берди.

ДЕПУТАТЛАР НИМАГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШДИ?

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президент раҳбарлигида коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Ўтган даврда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

САРҲИСОБ

ХАЛҚ ВАКИЛИ БЎЛИШ – УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Ранг-баранг табиий манзаралари, ноёб ва экзотик рельефи, ўзига хос мўътадил иқлимга эга Жиззах вилоятида сўнгги йилларда саноат ҳамда ишлаб чиқариш жадал ривожланиб, табиийки, туман ва шаҳарларнинг инфратузилмаси, бунга мос равишда аҳолининг турмуш даражаси ҳам яхшиланиб бормоқда. Тоғ ва тоғ ёнбағирларида арчазорлар, бодомзорлар, ёнғоқзорлар ва бошқа камёб шифобахш ўсимликлар плантациялари мавжуд Зомин, Бахмал, Фориш ва Янгиобод замонавий экотуризм манзиллари ўлароқ сайёҳларни ўзига мафтун этаётган бўлса, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор, Зафаробод, Шароф Рашидов сингари қўриқ туманлар асосан қишлоқ хўжалиги юкини гарданига олган. Қолаверса, вилоят бой табиий ресурсларга эга.

Дарҳақиқат, Жиззах вилояти йилдан-йилга юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этиб

келмоқда. Бироқ бу билан ҳудуд ижтимоий ҳаётида оддий одамларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган, қайсидир маънода турмуш сифати тушишига олиб келаётган ҳамма муаммолар ўзил-кесил барҳам топппти, дейишга бироз эрта, назаримизда. Ҳали-ҳамон аҳолиси тоза ичимлик суви ёки барқарор энергия таъминотидан маҳрум, кўчалари, йўллари узок йиллар асфальт "кўрмаган", мактаб, боғча, бирламчи тиббий масканлари ўтган асрга хос қиёфада қолиб кетган, ишсизлик, камбағаллик кўрсаткичларини камайтиришда "депсинаётган" қишлоқ туманлари йўқ эмас.

Хўш, бу муаммоларни ким ҳал қилади? Аҳоли ичига кириб бориб, уларнинг ташвиш ва қувончларини баҳам кўриб, ечимини кутаётган долзарб масалаларни тегишли ташкилот-идораларга олиб чиқадиган, маҳаллий ҳокимликларни мудроқликдан уйғотадиган ким?

Аниқки, халқ ишонч ва умид билдириб, сайлаган депутатлардир!

► (Давоми 4-бетда)

БАҒДОД – ЯНГИЛАНИШ ВА БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ



3

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СТРАТЕГИК КАПИТАЛИ



5

ШУНДАЙ ҚИЗЛАРИМИЗ БОР

АСИЛАНИНГ АСЛ ОРЗУСИ



8

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС ИШИ: БАҲС, МУНОЗАРА,
ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Соҳада қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2025 йил 5 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қўрилган чоралар натижасида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки янги босқичга чиқди. Жумладан, 2025 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, соҳаларда коррупция омилларини бартараф этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан 37 та таҳлилий маълумот тайёрланган. Улар бўйича 19 та янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, маиший коррупциянинг олдини олиш бўйича “Андижон тажрибаси”, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда фаолиятини ошириш бўйича “Навоий тажрибаси”, рақамлаштириш бўйича “Самарқанд тажрибаси” каби ижобий тажрибалар яратилиб, бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, комплаенс хизматининг, давлат органлари ва ташкилотларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосарлар фаолиятининг йўлга қўйилиши бу илатга қарши курашиш борасидаги янгиланишлар изчиллигини таъминлаш ва жойларда чора-тадбирлар ижросини самарали амалга оширишда катта туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан Агентлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, илмий муассасалар, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг доимий ҳамкорлигига асосланган “Коррупциянинг олдини олиш кластери” жорий этилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясида мазкур маъруза қўриб чиқилганда фракциямиз аъзолари маълумотларни янада аниқ баён қилиш, халқроқ тажрибаларни чуқурроқ ўрганиш ва миллий маърузани эртароқ тақдим этиш каби масалаларда фикрлар билдирган эди.

Давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви, давлат органларининг очиклиги ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф этилмагани, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонунда белгиланган талаблар тўлиқ ижро этилмасдан қолаётгани депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Халқ вакиллари Агентлик томонидан коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятлар сабаб ва шарт-шароитларини комплекс таҳлил қилиш, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан



боғлиқ материалларни ўрганиш, мансабдор шахсларнинг қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар беришди. Мажлис якунида соҳани такомиллаштириш ҳамда Агентлик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор таклифлар ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН
УЙДА ЯШАШГА ЙЎЛ
ҚЎЙГАНЛИК УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНМОҚДА**

Ялпи мажлисида қурилиши тугалланмаган кўп квартирали уйларда фуқароларнинг ноқонуний яшашига рухсат бериш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кейинги вақтларда қурилиши тугалланмаган ва белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларда фуқароларнинг ноқонуний яшашига рухсат бериш ҳолатлари учрамоқда.

Мазкур ҳолатлар фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, соҳада фаолият юритаётган субъектларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган превентив чораларни кучайтиришни талаб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига кўп квартирали уйларнинг қурилишига масъул шахслар ёки мансабдор шахслар томонидан белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, Шаҳарсозлик кодексига буюртмачи ва пудратчиларга белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўймаслик чораларини кўриш мажбуриятини юклашни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясида** муҳокама қилинганда депутат Анвархон Темиров бир қатор муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирди. Хусусан, мазкур қонун лойиҳаси ижросида аҳоли вакиллари зарар кўрмаслиги лозимлиги, бунда асосан қурилишни назорат қилувчи идора ва ташкилотлар масъулиятни ўз зиммасига олиши кераклигини таъкидлади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти, айни чоғда заруратини эътиборга олиб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Шунингдек, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар

билдирилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

**ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИНГ
МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ МУҲИМ**

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ҳам депутатлар атрофлича муҳокама этиб, ўз таклифларини илгари сурдилар.

Айтиб ўтилдики, мамлакатимизда чет эл фуқароларига виза бериш ва уларни рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм соҳасини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида республикаимизга кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сони сезиларли ортиб бормоқда.

Бироқ айрим чет эл фуқаролари ва доимий равишда бошқа давлатлар ҳудудида яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзига берилган имтиёزلардан тўғри фойдаланмасдан, республикаимизда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳолатлари кузатилаётир.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилмоқда. Яъни, республикаимиз ҳудудида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, тасдиқномада белгиланмаган меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлиқни белгилаш ҳамда ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини Давлат меҳнат инспекцияси, ички ишлар органлари ва жиноят ишлари бўйича судларга берилиши таклиф қилинмоқда.

Меҳнат муносабатлари соҳасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

**ПРЕКУРСОРЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ
ОРТИБ БОРМОҚДА**

Мажлисида прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлиқни белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва уюшган наркотиқчиликка қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар жадал суръатда амалга оширилмоқда. Бироқ яширин нарколабораторияларда синтетик гиёҳвандлик воситаларини тайёрлашда прекурсорлардан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бораётгани мазкур соҳада ҳуқуқий механизмларни янада

такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Амалдаги қонунчиликда прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилмагани айрим ноқонуний ҳолатларнинг ҳуқуқий баҳосиз қолишига сабаб бўлмоқда. Қонун лойиҳаси айнан ушбу бўшлиқни бартараф этишга қаратилган.

Мазкур лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни белгилловчи янги норма киритилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран содир этилган ҳолатлар учун Жиноят кодексига жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ушбу тоифадаги ишларнинг тегишлилиги ва уларни кўриб чиқиш ваколатларини аниқ белгилашга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши прекурсорларнинг ноқонуний муомаласининг олдини олиш, синтетик гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқарилишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатда наркотик воситалар ва уларнинг прекурсорларининг қонунга хилоф айланмасига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

**ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ
КУЧАЙТИРИЛАДИ**

Мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлаш, биологик хилма-хиллиқни сақлаш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш масаласи бугун ҳар қачонгидан долзарбдир.

Шу маънода мажлисида кўриб чиқилган галдаги қонун лойиҳаси ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш, уларни муҳофаза қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш ҳамда экологик барқарорлиқни таъминлашга қаратилган билан диққатга молик.

Аёнки, амалда ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилар эди.

Эндиликда эса ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш тартиби қонун даражасида мустаҳкамланмоқда. Қонун лойиҳасида ўрмон фонди ерларининг алоҳида муҳофаза этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган ҳужжат асосида амалга оширилиши белгиланмоқда. Шунингдек, ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ўрмон фонди ерларининг сақланишини таъминлаш, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, экологик барқарорлик ва биологик хилма-хиллиқни сақлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш, соҳада давлат назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

**КИМЛАРГА ФАХРИЙ МАҚОМИ
БЕРИЛАДИ?**

Мажлисида “Фахрийлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фахрийлар мақоми ҳамда бу соҳада масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари назарда тутилмоқда. Шунингдек, фахрийларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, имтиёз ҳамда кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Қонун лойиҳасида фахрийларнинг тоифалари ҳам белгиланмоқда. Яъни, уруш фахрийлари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар, бошқа мамлакатлар ҳудудида олиб борилган жанговар ҳаракатлар фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари таркибига кирадиган вазирликлар ва идораларнинг фахрийлари, суд, прокуратура, адлия ва боғжона органларининг фахрийлари, меҳнат фахрийлари, алоҳида тоифадаги фахрийлардир.

Лойиҳага кўра, белгиланган талаб ва мезонларга мувофиқ муайян бир соҳа, тармоқ ёки касбда узоқ йиллар мобайнида виждонан намунали меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамият эътирофига сазовор бўлган шахсларга фахрий мақоми берилади. Мазкур мақомни олган фуқаролар имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, шаҳар транспортида бепул юриш, ҳаво ва темир йўл чипталарида чегирмалар, давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш каби имтиёзлар шулар жумласидандир.

Фахрийларга бериладиган барча имтиёз ва кафолатлар қонун билан аниқ белгиланиб, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш янада мустаҳкамланади.

Ушбу қонун лойиҳаси маъқулланиб, юқори палатага тақдим қилинди.

**МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҚАЙСИ
БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР
БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА?**

Йиғилишда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Бунда ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилмоқда. Таклиф этилаётган тартибга кўра, фуқарони ишга қабул қилишда асосан унинг шахсий идентификация рақами талаб этилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва қақирилувчилар эса ҳарбий гувоҳнома ёхуд ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этади.

Шунингдек, меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, электрон рақамли имзо ёки биометрик идентификация (Face-ID) орқали тасдиқланган ҳужжатлар юридик жиҳатдан қўлда имзоланган ҳужжатлар билан тенг қўрилади.

Қонун лойиҳасида иш берувчи томонидан иш ҳақи тўлаш муддати бузилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун пулли компенсация тўлаш тартиби кўзда тутилмоқда.

Мажлис кун тартибиде кўриб чиқилган қолган қонун лойиҳалари ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, фракциялар позицияси аниқ билдирилди. Баъзи лойиҳалар шартли равишда кейинги ўқишга ўтказилган бўлса, яна баъзилари бир овоздан маъқулланиб, Сенатга юбориладиган бўлди.

Ўз мухбиримиз.

АКС-САДО



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят
кенгаши раиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

13 июль куни давлатимиз раҳбарининг Бекобод шахрига амалга оширган ташрифи ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида яна бир янги саҳифа очди, десак янглишмаймиз.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар темир йўл транспортда маҳаллий йўналишларда қатновларни ҳамда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш, соҳа инфратузилмасини янгилаш лойиҳалари изчил рўёбга чиқарилмоқда.

Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири – 192 километрлик “Тошкент – Бекобод” темир йўл қатнови йўлга қўйилишини, айниқса, ҳар куни иш ва ўқиш мақсадида пойтахтга қатнайдиغان бекободликлар катта хурсандчилик билан қарши олдилар. Кунига қарийб минг нафар, йилига эса 300 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган ва соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланадиган замонавий электропоезднинг қатновга қўйилиши автомобиль йўлларидаги транспорт юкламасини камайтиришга, экологик тоза транспорт улушини оширишга хизмат

ОБОД МАСКАНЛАР САРИ

қилиши билан янада аҳамиятли.

Президентимиз ташрифи асносида ҳудудда темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, тармоқларни электрлаштириш ва темир йўлларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Бекободнинг, таъбир жоиз бўлса, “жон томири” ҳисобланган Ўзбекистон металлургия комбинатида барпо этилган янги Куюв-прокатлаш мажмуасини ишга тушириш маросими ҳам муҳим воқеликлардан бири бўлди.

Ҳозирда 5,5 минг нафардан зиёд аҳил ва фидойи меҳнат жамоасига эга Ўзбекистон металлургия комбинатида Куюв-прокатлаш мажмуасининг очилиши, мутахассислар фикрича, энергия тежамкор технологиялар ва рақамли ечимларни жорий қилишда янги даврни бошлаб беради. Мазкур мажмуа мамлакатимизда иссиқ прокатланган пўлат листлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи лойиҳа сифатида тарихдан жой олади. Унинг ишга туширилиши натижасида йилига 8 триллион сўмлик 1 миллион тонна иссиқ прокатланган пўлат лист ишлаб чиқарилади. Тошкент ва Самарқанд металлургия заводларининг прокат листларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади. Асосийси, йирик қувватда яна 1 минг 200 та юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон металлургия комбинатини янада ривожлантириш бўйича келгуси режалар ҳам белгилаб берилди. Комбинатнинг хом ашёга бўлган талабини маҳаллий ресурслар ҳисобидан таъминлаш энг устувор вазифа бўлиши таъкидланди. Яқин уч-тўрт йилда “Тебинбулоқ”



конини ишга тушириш орқали йилига 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш режалаштирилгани, “Сурун-ота” конидаги маъданларни бойитиш натижасида эса йилига 600 минг тонна темир хом ашёси олиш йўлга қўйилиши, комбинат ҳудудида “Ўзбекистон экологик технологиялар саноат парки” ташкил этилиши – бу каби лойиҳалар пухта ёндашувга таянган ҳолда улкан мақсадларга йўғрилгани билан алоҳида диққатга сазовор.

Яқин йилларда Бекободга йўли тушмаган киши бугун бу шахардаги янгиланиш ва бунёдкорликлардан ҳайрат ҳамда завқ туймоғи тайин. Масалан, бир пайтлар қаровсиз ва тартибсиз бўлган “Хос ёз” каналининг бўйи эндиликда шахарнинг энг гўзал гўшалари сирасига киради. Бу ерда барча қулайликлар мужассам янги экологик макон пайдо бўлди. Дўстлик маҳалласи ҳудудида эса “Ташаббусли

бюджет” маблаглари ҳисобидан Бекобод шахри музейи ташкил этилди. Маҳаллада нуронийлар ва меҳнат фахрийларининг дам олиши, давра суҳбатлари ҳамда маънавий-марикий тадбирлар ўтказиш учун ёзги шийпон қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳалла аҳли билан ўтказган самимий мулоқот чоғида барча амалга оширилаётган ишлар, барпо этилаётган объектлар ва лойиҳалар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши кераклигини айтди. Токи, одамлар ўз маҳалласида, ўз шахрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кўриши керак.

Худди шундай, Бекобод шахри ҳам меҳнаткаш ва фидойи аҳолиси, иқтидорли ёшлари, ҳаёт тажрибасига эга нуронийлари билан янада обод ва тараққий этган масканга айланиб бориши муқаррар.



Ҳожиқўлжон ИСАКОВ,
Бағдод тумани ҳокими,
ЎзХДП аъзоси.

Юртимиз мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини кенг нишонлаш тадориги кўрилиб экан, табиийки, энг аввало, истиқлол шарофати билан қўлга киритган имкониятларимиз, айниқса кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижаларимиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Зеро бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳар бир ҳудуднинг тараққиёт суръати, иқтисодий салоҳияти ва аҳоли фаровонлиги билан ўлчанмоқда. Эътироф этиш лозимки, бу жараёнда Фарғона вилоятининг Бағдод тумани ҳам янгиланиш ва бунёдкорлик майдониغا айланди.

Туманда амалга оширилаётган ишлар ҳудудни комплекс ривожлантириш, иқтисодий ўсиш нуқталарини шакллантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ҳудуднинг ташқи қиёфасини янгилаш ва замонавий шаҳарсозлик тамойилларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, туман марказида кенг қўламли реновация ишлари, узок йиллардан буён фойдаланилмай келган ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича амалий ҳаракатлар бошланди. Темирчилик кластери ташкил этилиши эса саноат салоҳиятини ошириш билан бирга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида 3,2 гектар майдонда 55 та замонавий устакхона, 1,3 километр ички

БАҒДОД – ЯНГИЛАНИШ ВА БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

автомобиль йўли ва марказий йўл бўйлаб 20 дан ортиқ савдо дўкони қурилиши режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 125 нафар тадбиркорга ер майдонлари ажратилади. Айни пайтда 262 та хонадонда темирчилик фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда 655 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланган. Шу билан бирга, 20 нафар тадбиркорнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириши ва замонавий технологияларни жорий этиши учун 2,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитларга эҳтиёж аниқланган.

Бу лойиҳа нафақат ҳунармандчиликни ривожлантириш, балки маҳалланинг иқтисодий фаолигини ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳам устувор вазифалардан биридир. Д-105 автомобиль йўлида замонавий кўприк қурилиши бошлангани нафақат транспорт ҳаракатини енгиллаштиради, балки ҳудуднинг иқтисодий фаоллигини ҳам оширади.

Ҳозирги кунда кенглиги 13 метр бўлган мазкур кўприкдан ҳар куни қарийб 14 мингта транспорт воситаси ҳаракатланади. Лойиҳага кўра,, кўприкнинг кенглиги 26 метрга етказилиб, унинг ўтказувчанлик қуввати қарийб икки баробар ошади. Қиймати 43 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, логистика имкониятларини кенгайтириш ва аҳолига янада қулай шароит яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Бағдодда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эркин иқтисодий зона фаолиятини кенгайтириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш ва янги саноат лойиҳалари юзасидан халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Хитой ва Туркия инвесторлари иштирокida саноат, картошка уруччилик, тиббиёт ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида истиқболли лойиҳалар муҳокама қилиниб, амалий музокаралар ўтказилди.

Бу эса ҳудуднинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини янада оширади.

Кишлоқ хўжалигида ҳам узок истиқболга мўлжалланган муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. Самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этиш, Эски Самарқанд каналини реконструкция қилиш ҳамда уни Риштонсой каналидан сув билан таъминловчи янги канал қуриш лойиҳалари сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, ерлар унумдорлигини ошириш ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини юксалтиришда айни заруратдир.

Коммунал инфратузилмани, ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш, ички йўллари таъмирлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

Ижтимоий соҳада ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Гулистон» маҳалласида 59 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига замонавий тиббиёт мажмуаси қурилмоқда. Унда 50 ўринли туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари маркази, 80 ўринли болалар бўлими ҳамда 100 ўринли ички касалликлар бўлими ташкил этилади. Бу эса аҳолига юқори малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради.

Бағдод туманида ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган хатловлар натижасида ижтимоий-тиббий хавф гуруҳига кирувчи 834 нафар ногиронлиги бўлган шахс, 67 нафар ақлий ва руҳий касалликка чалинган фуқаро, 61 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ҳамда 58 нафар онкологик ва қон яратиш тизими касалликлари билан оғирган шахс аниқланди.

Реабилитация ишлари ҳам самарали ташкил этилмоқда. 30 нафар шахс реабилитация хизматлари билан қамраб олинди, 27 нафар фуқаро протез ва реабилитация воситалари билан таъминланди. Масалан,



“Чекмирзаобод” маҳалласида яшовчи Н. Мўминовага замонавий болдир протези ўрнатилиб, у ҳаракатланиш имкониятини тиклаганидан кейин яна мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттира бошлади. Бу инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Икки маҳаллада кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилиб, оғир тоифадаги 27 нафар бола қамраб олинди. Бу орқали уларни махсус муассасаларга жойлаштириш эҳтиёжи бартараф этилди. Учта маҳаллада амалга оширилаётган «Фаол ҳаётга қадам» дастури доирасида эса 216 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахс қараб туриш хизматлари билан таъминланди.

Жорий йил сентябрь ойига қадар ривожланишида нуқсонли бўлган уч ёшгача болалар учун «Эрта аралашув» дастурини йўлга қўйиш, шунингдек, 18 ёшдан катта деменция ҳамда руҳий касалликлари бўлган фуқаролар учун кундузги ва уй шароитида парвариш хизматларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу орқали яна 150 нафар фуқаро янги ижтимоий хизматлар билан қамраб олинади.

Бандлик масаласида ҳам муҳим натижаларга эришилмоқда. Жорий йилда 134 нафар ногиронлиги бўлган шахс иш билан таъминланди, 24 нафар фуқаро адаптив спорт тўғрақларига жалб этилди, 26 нафар ёш олий таълим муассасаларига имтиёзли квота асосида ўқишга йўналтирилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга

муҳтож шахслар учун 199 та иш ўрни захира қилинган.

«Фаол ҳаётга қадам» дастури доирасида кўрсатилган тиббий-ижтимоий хизматлар натижасида 18 нафар фуқаронинг соғлиғи тикланди, 42 нафар ёлғиз кексанинг саломатлиги яхшиланди.

Энг муҳими, тумандаги ҳар бир ташаббус, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир қурилиш ортида битта устувор мақсад мужассам — инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ҳудудни замонавий, обод ҳамда инвестициялар учун жозибадор масканга айлантириш.

Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Байрам арафасида туман маркази ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари кенг қулоч ёйди. Ички йўллар таъмирланмоқда, тунги ёритиш тизимлари янгиланмоқда, ижтимоий объектларда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, янги ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топишириш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича аниқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугун бошланган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий ислохотлар яқин истиқболда Бағдод туманининг рақобатбардошлигини янада ошириши, янги иш ўринлари яратиши ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

ХАЛҚ ВАКИЛИ БЎЛИШ – УЛКАН МАСЪУЛИЯТ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

2026 йилнинг ҳам иккинчи ярмига қадам қўйдик. Мана шу ўтган ярим йил ичида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Жиззах вилоят кенгаши депутатлари фаолиятида қандай сезиларли ўзгаришлар кузатилди? Улар, юқорида айтиб ўтганимиздек, халқнинг ичига кириб, халқ билан ёнма-ён туриб, халқнинг оғирини енгил қила оляптими? Умуман, улар нималар билан банд?

Куйида мана шу нуқтаи назардан саволларимизга жавоб излаймиз.

МУҲИМ РАҚАМЛАР

2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, Жиззахда Ўзбекистон ХДП депутатлари сони 66 нафарни ташкил этади. Шундан 7 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгаши, 59 нафари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутатлари ҳисобланади. ЎзХДП Жиззах вилояти ва 13 та туман (шаҳар) кенгашларида жами 14 та депутатлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР – МУРОЖААТЛАРГА

Аҳоли мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш — халқ билан Ўзро ишончга асосланган очик мулоқотни таъминлашда, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқ ва самарали бартараф этишда муҳим ўрин тутadi.

Шунга кўра, ХДПнинг Жиззах вилоятидаги ҳар бир депутати масъулиятли фаолиятида ҳеч бир мурожаатни назардан қочирмай, диққат билан ўрганишга, қонуний ва амалий ечимларни топишда баҳоли қудрат жонбозлик кўрсатмоқда, десак янглишмаймиз.



— Ҳар бир мурожаат — халқ ишончининг кўзгуси, — дейди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Нуриддин Холматов. — Фуқароларнинг ҳаётли муаммоларига бефарқ бўлмаслик, уларни тезкор ҳал этиш демократик қадриятларимиз ифодаси саналади. Бугунги кунда мурожаатлар фақатгина шикоят ёки илтимос сифатида эмас, балки жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда бирламчи ахборот манбаига айланмоқда.

Демак, 2026 йил январь-июнь ойларида Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ва маҳаллий кенгашлардаги жамоатчилик қабулхоналарига аҳолидан жами 513 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 425 таси, яъни 83 фоизи депутатлар томонидан ижобий ҳал этилган. Мурожаатлар мазмунан ўрганилганида, уларнинг 123 таси уй-жой, ер, коммунал масалалар, 56 таси соғлиқни сақлаш, 41 таси иш билан таъминлаш, 42 таси пенсия ва ижтимоий нафақалар, 37 таси ижтимоий соҳа объектиларини таъмирлаш ва қуриш, 32 таси транспорт ва йўл қурилиши, 15 таси таълим, 51 таси банк-кредит соҳасига тааллуқли экани маълум бўлди. Бу вилоят ижтимоий ҳаётида айнан мана шу соҳаларда зарур ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатади.



— Бундан ташқари, ҳисобот даврида депутатларимиз томонидан жойларда 171 маротаба сайёр қабул, 223 маротаба халқ билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилинди, — дея давом этади Н. Холматов. — Юздан ошиқ маҳаллаларда ўтказилган бу тадбирлар давомида мингга яқин фуқаро мурожаати ўрганилиб, 725 та мурожаатда кўтарилган масалалар тўлиқ амалий якунига етказилди.

КОММУНАЛ МАСАЛАЛАРДАН ТОРТИБ ЙЎЛ ХАВФСИЗЛИГИГАЧА

Маҳаллий кенгаш вакили жойлардаги муаммоларни, аҳолининг дарду ташвишини давлат идораларига қатъий тарзда кўтариб чиқишда депутатлик сўрови институтидан фойдаланади. Депутат ваколатларининг энг таъсирчан шакли бўлган, халқнинг овозини қонун тилида давлат органларига етказадиган ушбу механизмнинг самарали ишлаши жамиятда ижтимоий барқарорлик ҳамда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришнинг устувор шарти ҳамдир.

Рақамларда келтирилишича,

институтисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мисол учун, яқинда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати М. Гулбаев томонидан Бахмал туманида амалга оширилаётган ичимлик суви таъминоти лойиҳалари ҳолати юзасидан «Ягона бююртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ДУК директориға депутатлик сўрови юборилди.

Аввалроқ депутат Бахмал туманидаги «Музбулоқ», «Бахмал» ва «Темирқадам» маҳаллаларида қурилган айрим ичимлик суви объектилари ҳалигача тўлиқ ишга туширилмагани, баъзи хонадонларга сув тармоқлари етказилмагани, бундай чала-ярим иш аҳолида ҳақли эътирозларига сабаб бўлганини атрафлича ўрганди. Шу асосида депутат сўровида қурилиши тугалланмаган объектилари киска муддатларда якунлаш, барча ичимлик суви иншоотларини тўлиқ ишга тушириш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан қонунчиликда белгиланган муддатда асосланган ахборот тақдим этиш талаб қилинди.

Худди шундай, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати Ў. Ўразбоев Бахмал тумани «Маданият» МФЙ аҳолиси томонидан электр таъминотини яхшилаш бўйича келиб тушган мурожаат юзасидан "Худудий электр тармоқлари" АЖ филиалига депутатлик сўрови билан чиққан. Унда депутат 110 га яқин ярққсиз ҳолга келиб қолган электр узатиш таянч устунларини ва трансформаторларни янгилаш, эски электр тармоқларини замонавий кабелларга алмаштириш заруратини баён қилган. Масъул жавобида эса «Маданият» МФЙ худудидаги 0,4–10 кВли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгидан қуриш, модернизация қилиш ҳамда реконструкциядан чиқариш ишлари 2026–2027 йилларга мўлжалланган манзилли дастур лойиҳасига киритилиб, Жиззах вилояти ҳоқимлигига тақлиф сифатида юборилгани, бюджетдан тегишли маблағ ажратилган, амалий ишлар бошланиши айтилган.

Ўтган ойларда депутатлик сўрови натижасида Зомин тумани «Қайрма» МФЙ худудидан ўтувчи йўлда транспорт ҳаракатини тартибга солиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида светофор қурилмаси ўрнатилган бўлса, Бахмал тумани «Мўғол» МФЙдаги Само кўчаси асфальтлаштирилди. Айни шу тумандаги «Ўснат» МФЙда жойлашган мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларидаги электр тармоқлари қайта таъмирланди.

Мана шундай ижобий қадамларга парадокс равишда депутатлик сўрови ижросиз қолаётган ёки айрим мутасаддиларнинг азбаройи депутатлик сўровига иккинчи даражали масала сифатида қараши туфайли жавоблар кечиктирилаётган ҳолатлар ҳам учраб туриши сир эмас. Бироқ кўнгилни кўтарадиган бир жиҳат борки, бугун давлат идораларида депутат сўровидан сергақ тортиш, мазмунсиз, масъулиятдан қочадиган расмий жавоблардан кўра аниқ амалий ишларга ўтиш кўникмаси секинлик билан бўлса ҳам шакланмоқда. Пировардида одамларда "депутатга мурожаат қилса, муаммо ечим топиши мумкин" деган ишонч пайдо бўляпти.

Ҳозирги янги ислохотлар даврида бу муҳим ютуқларимиздан биридир.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббий хизмат кўрсатишда ҳамма учун тенг имкониятларни яратиш, кам таъминланган оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид давлат мажбуриятлари Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган. Бунинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, даромадлар ва яшаш тарзида кескин тафовутларнинг, тенгсизликнинг олдини олиш, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадларини изчил рўёбга чиқармоқда. Бу эса Халқ демократик партиясининг бош мақсад ва ғояларига уйғунлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Жиззах вилоятида ҳам ижтимоий ислохотларнинг натижадорлигини таъминлашда ХДП депутатлари фаол иштирок этаётгани, ташаббус кўрсатаётгани эътирофга лойиқ, албатта. Мазкур йўналишда ўтган олти ой давомида 62 та ижтимоий масала партия гуруҳи томонидан доимий комиссия йиғилиши ва 38 та масала сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган бунга яққол далил.

Хусусан, Жиззах вилоятида оғир ижтимоий вазиятга тушиб

жой сотиб ололмаган ана шу фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг аксарияти мавжуд уй-жойлар нархи ажратилган субсидия миқдоридан анча юқори эканини кўрсатиб, белгиланган сўммини қайта кўриб чиқишни тақлиф қилган. Айрим фуқаролар эса ўзлари яшаб турган худудда субсидия асосида харид қилиш мумкин бўлган уй-жойлар мавжуд эмаслигини билдирган.

Партия депутатлик гуруҳи йиғилишида субсидия ажратиш тартибини соддалаштириш, тизимда шаффофликни кучайтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш, шунингдек, назорат механизмларини мустақамлаш ва худудий муаммоларни инобатга олиш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Бундан ташқари, ХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг "Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар ҳаётини, соғлиғини муҳофаза қилиш ва умумий хавфсизлик талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш ва партия дастуридан келиб чиқиб соҳани ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида"ги қарори ижроси, Ижтимоий ҳимоя агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, Президентнинг "Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектиларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида қилинаётган ишлар ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги ўрганиш натижалари ҳам "элакдан ўтказилиб", реал муаммолар ечимига қаратилган қарорлар қабул қилинди.

ХДП дастурий мақсадларидан



қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва тўлиқсиз оилалар ҳамда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож ёлғиз оналарга арзон уй-жойлар ажратилиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги "Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш натижалари ХДП вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи йиғилишида атрафлича муҳокама қилинди. Ўрганишларда аниқланишича, 2025 йилда вилоятга субсидия асосида 1 минг 229 та уй-жой харид қилиш учун Давлат бюджетидан 105,1 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Ўтган йил давомида ипотека кредитига давлат субсидиясини олиш учун ягона портал орқали жами 22 минг 443 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 2 минг 692 та ариза бўйича ижобий хабарнома берилган. Бироқ ўтган йили молиялаштиришдаги чекловлар субсидия ажратиш ва уй-жой билан таъминлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатган. Оқибатда субсидия ажратилган фуқароларнинг 40 фоизи ҳозиргача уй-жой сотиб ололмаган.

Таъкидлаш керакки, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан субсидия ажратилган, аммо уй-

келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти туман ва шаҳарларида ташкил этилаётган "Ижтимоий ҳимоядан – ижтимоий фаоллик сари", "Депутат ва ёшлар" "Депутат маҳаллада", "Халқ билан юзма-юз", "Саломатлик акцияси", "Бир маҳалла – бир ташаббус" каби қатор тадбирлар эса аҳоли кенг қатлами билан юзма-юз бўлиб, уларнинг умумқайфиятини билиш, тақлиф-ташаббусларига қулоқ тутуш, бир сўз билан айтганда, барча жабҳада электронт манфаатларининг ҳимоясини кафолатлашга хизмат қилмоқда.

— Халқ вакили бўлиш юксак шараф ва улкан масъулиятдир, — дейди ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Нуриддин Холматов. — У ортида турган минглаб, миллионлаб сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун мудом уйғоқ бўлмоғи керак. Депутатларимизнинг ҳар бири ўз фаолиятида бу ҳақиқатни дастуруламал қилиб, имкон қадар фаол иш олиб боришга жон-дили билан интилаётганини эътироф этиш керак. Натижада ижтимоий сиёсат фақат қоғозлар ёки шиорларда эмас, балки ҳаётда амалий тасдиқини топаётганини одамларимиз кўз ўнгидеги ўзгаришлар мисолида кўрмоқда, тушуниб, англаб етмоқда. Бизнинг олдимизга қўйган ягона мақсадимиз ҳам шудир аслида!

Фарида МАҲКАМОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР



Аброр ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида мамлакат келажагини белгилайдиган энг муҳим омиллardan бири – интеллектуал салоҳиятли, кенг дунёқарашли, мустақил фикрлайдиган ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган ёш авлодни тарбиялашдир. Бугун амалга ошириладиган ислохотлар нафақат иқтисодий ёки ижтимоий соҳани, балки давлат бошқаруви тизимини ҳам янгилашни талаб этмоқда. Бу эса янги авлод сиёсий кадрларини тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида кенг жалб қилиш масаласини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди.



Ҳозирга келиб ёшларга оид давлат сиёсати мутлақо янги мазмун билан бойитилди. Ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, лидерлик қобилиятини ривожлантириш, давлат бошқарувида иштирокини кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти унинг ижроси бўлган инсон капиталига боғлиқ. Шу маънода сиёсий

йигит-қиз қонун қандай қабул қилиниши, депутат қандай ишлаши, маҳаллий Кенгаш ваколатлари нималардан иборат эканини амалий жиҳатдан ҳис этиши лозим. «Сиёсатдаги ёшлар» интеллектуал турнири айнан шу бўшлиқни тўлдирishга хизмат қилмоқда. Интеллектуал баҳслар, сиёсий дебатлар, очик мулоқотлар, кейс ечиш, таҳлилий савол-жавоблар иштирокчиларда

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СТРАТЕГИК КАПИТАЛИ

жараёнларни англайдиган, қонун устуворлигини қадрлайдиган, жамият манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр бўлган ёшлар қатламини шакллантириш долзарб вазифадир.

Айнан шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан амалга ошириладиган «Сиёсатдаги ёшлар» интеллектуал турнири мамлакатимизда сиёсий-маърифий ҳаракат сифатида шаклланиб бормоқда.

АМАЛИЙ СИЁСИЙ МАКТАБ

«Сиёсатдаги ёшлар» интеллектуал турнири – бу оддий мусобақа эмас. У ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат бошқаруви тизими ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолияти билан яқиндан таништириш ҳамда истиқболли ёш лидерларни аниқлашга қаратилган комплекс дастур ҳисобланади.

Замонавий давлат бошқарувида назарий билимнинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир ёш

танқидий фикрлаш, лидерлик, жамоада ишлаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоялаш ва стратегик қарор қабул қилиш каби муҳим кўникмаларни шакллантирмоқда.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ КАТТА НАТИЖА

Жорий йилнинг январь–июнь ойлари мобайнида республика бўйлаб лойиҳанинг 28 та ҳудудий босқичи ташкил этилди.

Уларда мамлакатимиздаги 86 та олий таълим муассасасидан 258 та жамоа иштирок этди. Лойиҳа доирасида жами 13 минг 868 нафар йигит-қиз қамраб олинди.

Бу рақамлар минглаб ёшларнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши, мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳисси ортаётганининг амалий ифодасидир.

Энг муҳими, турнир натижаларига кўра, 277 нафар ташаббускор ёш Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қабул қилинди. Бу ҳар 50 нафар иштирокчидан бири сиёсий фаолиятни ўз ҳаётининг муҳим йўналиши сифатида танлаганини англатади.

УЛАР НИМАНИ ИСТАМОҚДА?

«Сиёсатдаги ёшлар» интеллектуал турнири жараёнида ўтказилган мулоқотлар яна бир муҳим ҳақиқатни кўрсатди.

Бугун, айниқса, талаба-ёшлар мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмас. Аксинча, улар давлат қарорлари қандай қабул қилиниши, депутатлар фаолияти, маҳаллий бюджет шаклланиши, ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари ҳақида кўпроқ билишни истади.

Кўплаб иштирокчилар қонунчилик ташаббуслари, жамоатчилик назорати, маҳаллий бошқарув, рақамли давлат хизматлари ва фуқаролар иштирокини кенгайтириш бўйича амалий таклифлар билан чиқишди.

Бу эса ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ортиб бораётганини англатади.

Ўзбекистонда ҳам бу йўналишни янада ривожлантиришга эҳтиёж юқори. Мутахассислар олий таълим муассасаларида доимий сиёсий таълим платформаларини ташкил этиш, Ёшлар парламенти, маҳаллий Кенгашлар, сиёсий партиялар ва давлат органлари ўртасида ягона ҳамкорлик тизimini шакллантириш, икtidорли ёшлар учун миллий



ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Шу билан бирга, таҳлиллар ёшларимиз ўртасида айрим тизимли муаммолар сақланиб қолаётганини ҳам кўрсатди.

Аввало, ёшларда парламент ва давлат бошқаруви ҳақида назарий билим мавжуд бўлса-да, уларнинг амалий ишлаш механизми ҳақидаги тасаввурлар етарли эмас.

Иккинчидан, қонун ижодкорлиги, жамоатчилик назорати ва маҳаллий бошқарув жараёнларида иштирок этиш имкониятлари чекланган.

Учинчидан, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ёшларнинг сиёсий-маърифий лойиҳалар билан қамрови ҳали ҳам паст.

Тўртинчидан, ахборот маконидаги турли ғоявий таъсирлар, сохта хабарлар ва манипулятив материаллар шароитида ёшларнинг сиёсий иммунитетини кучайтириш, танқидий фикрлашини ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

МУНОСИБ КАДРЛАР ЗАХИРАСИ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида университетлар ҳузурида сиёсий мактаблар, дебат клублари, парламент симуляциялари, лидерлик академиялари фаолият юритмоқда.

кадрлар захирасини яратиш, давлат идораларида стажировка ва менторлик дастурларини кенгайтиришни долзарб вазифа сифатида баҳоламоқда.

Бу нафақат ёшларнинг сиёсий билимларини оширади, балки давлат хизмати учун муносиб кадрлар захирасини яратишда ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди.

КЕЛАЖАККА ИНВЕСТИЦИЯ

Мамлакатимизда инсон капиталига киритилаётган энг муҳим сармоя — бу ёшларга бўлган ишончдир.

«Сиёсатдаги ёшлар» лойиҳаси айнан шу ишончнинг амалий ифодаси бўлиб, минглаб ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш ва давлат бошқарувида муносиб кадрларни тайёрлаш мақсадларини назарда тутлади.

Энг муҳими, ушбу лойиҳа ёшларга сиёсатни ташқи томошабин сифатида эмас, балки мамлакат келажагини белгилайдиган фаол иштирокчи сифатида англаш имкониятини бермоқда.

Чунки Янги Ўзбекистоннинг эртанги кунини айнан билимли, фидойи, ватанпарвар ва юксак фуқаролик масъулиятига эга ёшлар қўли билан барпо этилади. Уларнинг сиёсий онги, ташаббускорлиги ва лидерлик салоҳияти мамлакат тараққиётининг энг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



Бухоро:

ИНФРАТУЗИЛМА БОЛАЛАР УЧУН ҚУЛАЙМИ?

Халқ депутатлари Қоровулбозор тумани Кенгашидаги депутатимиз А.Бозоров "Чўлқувар" маҳалласида бўлиб, ҳудуддаги кўп қаватли уйлар атрофида болаларга яратилган инфратузилма ҳолати билан танишди.

Депутатимиз ўрганиш давомида майдончаларнинг санитария ҳолати, болалар учун яратилган шарт-шароитлар, ўйин ускуналарининг техник хавфсизлик талабларига мувофиқлигини кўздан кечирди.

Ўрганиш натижаларига кўра, болаларнинг таътил вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш борасида камчиликлар кўзга ташланган. Хусусан, майдончаларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш борасида талайгина муаммолар борлиги аниқланиб, бу масала юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилинди.

Депутат болалар майдончаларини сақлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ёш авлоднинг соғлом ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, мазкур масалани депутатлик назоратига олди.



Тошкент вилояти:

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашидаги депутатимиз Гулнора Тўхтаназарова томонидан ҳудуд аҳолисида келиб тушган мурожаатлар асосида туман электр таъминоти корхонаси раҳбарига депутатлик сўрови юборилган эди.

Депутатлик сўрови ижроси доирасида "Ҳосилдор" маҳалласи "Себзор" кўчасида 15 та янги таянч бетон устуни ўрнатилди. Бу электр таъминоти тизимини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш йўлидаги муҳим амалий қадамдир.

Депутатлик назорати ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик натижасида ҳудуддаги муаммолар босқичма-босқич бартараф этилмоқда.



Самарқанд:

МАБЛАҒЛАР МАҚСАДЛИ САРФЛАНЯПТИМИ?

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Г.Мирзаева ҳамда Нуробод туман Кенгашидаги партия депутатлари Б.Суюнов ва Х.Хазратовалар иштирокида назорат тадбири ўтказилди.

Ўрганиш давомида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, белгиланган тадбирларнинг ижроси ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари жойига чиққан ҳолда кўздан кечирилди. Шунингдек, аҳолини узлуксиз коммунал хизматлар билан таъминлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини соз ҳолатга келтириш ва инфратузилма объектларининг барқарор фаолияти бўйича амалга ошириладиган ишлар таҳлил қилинди.

Ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари доимий депутатлик назоратида бўлиши қайд этилди.

Навоий:

БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИК ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловодди дастурида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматнинг ўз вақтида ва сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, дастурда касалликни барвақт аниқлаш орқали унинг салбий оқибатларини юмшатишга эришиш мақсадида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш қўламини кенгайтириш чоралари белгиланган.

Шунга асосан партия иш режасига мувофиқ, ҳудудларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Соғлом жамият — кучли давлат" шиори остида тиббий кўрик акциялари ўтказилмоқда.

Навоий шаҳридаги Маърифат боғида ҳам шундай акция ташкил этилди. Унда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари, пульмонология маркази, юқумли касалликлар шифохонаси мутахассислари, болалар кўп тармоқли касалликлар шифохонаси шифокорлари аҳоли вакилларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди.

Очиқ форматдаги акция жараёнида юзлаб юртдошларимиз чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтиб, соғлиғида муаммо аниқланган фуқароларимизга бепул даволаниш учун йўланма ва зарур тавсиялар берилди.



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА БУЮК МАДАНИЯТ ТУТАШГАН ЧОРРАҲА



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро форумнинг асосий тадбирлари пойтахтимизда қад ростлаган, маҳобати ва меъморий жиҳатдан бетакрор бўлган Ислом цивилизацияси марказида бўлиб ўтди. Анжуманнинг очилишида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ислом цивилизацияси I халқаро форуми иштирокчиларига мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Таъкидланганидек, бугун дунё мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Фан ва технологиялар соҳасида ақлбавар қилмас кашфиётларни яратётган инсоният турли можаролар, нотинчлик ва ўзаро ишончсизлик билан ҳам тўқнаш келяпти. Бузғунчи мафкуралар, тоқатсизлик, экстремизм, исломофобия иллатлари турли халқларнинг маданиятларини, динларни ва цивилизацияларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, зиддиятлар келтириб чиқаришга сабаб бўлаётир.

Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, инсонни азиз ва муқаррам билиб, ҳақиқатни излашга, илм-маърифатга интилиш, кашфиётлар қилишга, бунёдкор меҳнатга, таълим, санъат ва маданиятни ривожлантиришга илҳомлантириб келгувчи муқаддас ислом динимиз ҳамда исломий қадриятлар ҳозирги таҳликали замонда башариятнинг тинч-тотув ҳаёти ва тадрижий тараққиёти учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилмоғи аниқ.

Шу маънода мазкур йирик халқаро анжуман сайёраимизнинг турли нуқталаридан келган давлат ва жамоат арбоблари, муфтийлар, олимлар, тадқиқотчилар ва экспертларни ислом цивилизациясининг инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсади атрофида бирлаштиргани билан эътиборга моликдир.

Форум доирасида Тошкентда ўтказилган асосий ялпи мажлисларда ислом илм-фани ва цивилизацияси, Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, интеллектуал салоҳият, маданий меросни асраш, қўлёзмаларни рақамлаштириш ва халқаро илмий ҳамкорлик каби стратегик масалалар муҳокама қилинди.

9-10 июль кунлари анжуман ўз ишини Самарқанд ва Термиз шаҳарларида давом эттирди: инсоният маънавий хазинасини

бойитган уч буюк даҳо – Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизийларнинг илмий меросига бағишланган илмий конференциялар бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар замонавий дунё муаммоларига аждодлар ўғитлари орқали ечим излаш, маданиятлараро мулоқотни кучайтириш имконини берди.

Форумнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда ислом цивилизациясини ўрганиш алоҳида йўналишлар кесимида эмас, балки яхлит цивилизацион жараён сифатида талқин қилинди. Яъни Самарқандда бир вақтнинг ўзига "Имом Мотуридий мероси: мўътадиллик, бағрикенглик ва илм-маърифат пойдевори", "Имом Бухорийнинг "ал-Жомий ас-саҳиҳ" асари – уммат китоби" ва "Ислом цивилизацияси ва замонавий дунё: мерос, мулоқот ва тараққиёт", Термиз шаҳрида эса "Термиз ҳадис мактаби: алломалар мероси ва замонавий

манбаларнинг қизиқарли тақдимотлари халқаро кўргазмалар ҳамда ранг-баранг маданий-маърифий тадбирларга улашиб кетди. Қадимийлик ва замонавийлик туташган кўркам шаҳарларимиз бўйлаб саёҳатлар давомида хорижий меҳмонлар ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини яқиндан ҳис этди.

Дарҳақиқат, ислом цивилизацияси алломаларининг математика, астрономия, фалсафа, тиббиёт, география, тарих каби дунёвий фанлар, тафсир, ҳадис, калом, фикҳ ва тасаввуф каби исломий илмлар ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш, шунингдек, ислом динининг тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат ғояларини жаҳон ҳамжамиятига етказиш нафақат муайян бир давлатнинг, балки бутун мусулмон оламнинг умумвазифаси ҳисобланмоқда. Азалдан буюк цивилизациялар, маданият ва динлар туташган Ўзбекистон эса ана шу халқаро ҳамкорликнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқаётгани, бу замин бугунги кунда ҳам турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари тинчлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшайдиган эзгулик диёрига айланиб бораётгани эътироф этилди.

Форум иштирокчилари томонидан Декларация қабул қилинди. Унда ислом цивилизациясининг бой илмий ва маданий меросини асраш, чуқур ўрганиш ҳамда уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга қаратилган муҳим глобал ташаббуслар ўрин олди. Хусусан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳузурида халқаро ташкилотлар, академик ва илмий муассасалар, музейлар, кутубхоналар, архивлар, қўлёзмалар марказлари, тадқиқот институтлари ва бошқа манфаатдор тузилмаларни бирлаштирувчи Жаҳон ислом цивилизацияси альянсини ташкил этиш таклиф қилинди. Шу билан бирга, ислом цивилизацияси меросига оид тарихий манбаларни ягона платформада жамлайдиган Ислом цивилизацияси меросининг жаҳон рақамли реестрини яратиш, "Ислом цивилизацияси — бутун инсоният мероси" халқаро дастурини амалга ошириш, Халқаро ислом цивилизацияси мукофотини таъсис этиш, Жаҳон рақамли кутубхонасини очиш, мазкур йўналишда ёшлар форумини ўтказиш ташаббуслари ҳам алоҳида диққатга сазовор.

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори:

–Президентимиз томонидан илгари сурилган "Маърифат ва диний бағрикенглик" ғояси бугун халқаро илмий ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётганига форум давомида яна бир бор амин бўлдик. Форум ишида биз нафақат ўтмиш ҳақида сўз юритдик, балки келажак тўғрисида ҳам фикрлашдик. Ислом цивилизациясининг бой илмий меросини сақлаш, уни замонавий илм-фан билан уйғунлаштириш, рақамлаштириш, ёш авлодга етказиш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича муҳим қарорларга келдик.

Албатта, форумнинг асосий ютуғи унинг қўламида эмас. Асосий ютуқ — унинг натижаларидадир. Бу йирик анжуман сабаб дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб олимлар бир майдонда учрашди. Ўнлаб янги илмий ва нашр лойиҳалари тақдим этилди. Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий меросига бағишланган янги тадқиқотлар муҳокама қилинди. Маданий меросни рақамлаштириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш, қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ қилиш бўйича янги ёндашувлар ўртага ташланди. Бир қатор халқаро ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Ушбу битимлар келгусида қўшма тадқиқотлар, нашрлар, экспедициялар, рақамли платформалар ва таълим дастурларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.



Солим АЛ-МОЛИК, ICESCO Бош директори:

–Цивилизация тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ушбу муборак юртга яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман. Бугун Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти, ижтимоий адолат, иқтисодий тараққиёт ва ташқи сиёсат соҳаларида эришаётган ютуқлари халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Бу, аввало, цивилизациянинг ўзи учун қувончли воқелиқдир. Айни пайтда бу йирик ўзгаришлар бутун ислом олами учун ҳам катта ифтихор манбаидир.



Оллоҳшукур ПОШШОЗОДА, Кавказ мусулмонлари идораси раиси (Озарбайжон):

– Ўзбекистон Яратганнинг лутфига соҳиб бўлган улуғ масканлардан бири. Асрлар давомида ислом маърифатининг чироғи бўлган. Энг оғир даврларда ҳам мазкур нурни сўндиришмаган. Ўзбекистон тупроғининг шон-шўхрати тилларда дoston бўлган.

Ўзбекистонда таҳсил олганим боис бу тупроқнинг тарихи билан ёшлигимдан танишман. Бутун дунёдан илм ахтариб келганлар учун маърифат ва илм чироғини ёққан Ўзбекистон ҳадис илми билан мусулмон оламига танилган Имом Бухорий ҳазратларининг юртидир.



Сали ШАҲСУВАРИ, "Ал-Фурқон" ислом тадқиқотлари жамғармаси раиси (Буюк Британия):

–Шубҳа йўқки, Ўзбекистон қадимдан маданият ва цивилизация бешиги бўлиб келган. Турли халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бу замин инсоният тарихида кўплаб буюк ғоялар туғилган муқаддас маскан сифатида ўзини намоён этган.

Бу ерда пайдо бўлган ғоялар фақат шу юрт ёки шу халқ доирасида қолиб кетмаган, балки бутун инсоният тараққиётига хизмат қилган.

Ушбу халқ ва бу географик ҳудуд инсониятга шунчалик улкан ҳисса қўшганки, бунга ўхшаш мисолни топиш жуда мушкул. Бу ҳисса илм-фан, турли билим соҳалари, методологиялар ва фан тармоқларини қамраб олади. Шунингдек, айнан шу заминда шаклланган кўплаб илм даргоҳлари кейинчалик дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам намуна сифатида қабул қилинган.

Менимча, айнан Ўзбекистон ва Ислом цивилизацияси марказидан кўра бундай эзгу ғояларни бутун дунёга етказиш учун муносиброқ жойни топиш қийин.



Ф.ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

БИЗНИНГ СУХБАТ

МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ, ВАТАН СОҒИНЧИ, САМАРҚАНД ШУКУҲИ

Ўзбекистон халқ шоири Хосият Бобомуродова нигоҳида



Сухбатдошимиз ҳақида: Хосият Бобомуродова «Дарёдан қатра», «Самарқандга мактублар», «Бормисан, ўзбек», «Жонимнинг эгаси», «Қирқ ўғлон қиссаси» каби 30 дан ортиқ китоблар муаллифи. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, «Шуҳрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати» орденлари соҳибаси. Ўзбекистон Республикаси халқ шоири.

— Хосият опа, аввало, сизнинг узоқ йиллик ижодингиз чин маънода эътироф этилиб, бу йил "Ўзбекистон Республикаси халқ шоири" деган юксак унвонга мушарраф бўлганингиз билан қутлаймиз. Сизнингча, Мустақиллик туйғуси ижодкор қонида қандай яшайди ва истиқлол ижодкорга нима берди?

— Катта раҳмат! Биласизми, мен мустақилликни шунчаки сиёсий воқеа ёки тақвимдаги бир сана, деб ҳисобламайман. Бу — миллатнинг қайта туғилиши, ўзлигини ва шаънини топишидир. Истиқлолгача бўлган даврда биз ичимиздаги энг асл гапларни айта олмадик, юрагимиз худди кишанлангандек, мафкуравий зиндонда эди. Отамдан олган диний ва миллий сабоқларимни, Навоий жозибасини ошқора улуглашдан ҳадиксирардик. Мустақиллик бизга, энг аввало, сўз эркинлигини, боболаримиз меросини ва эркин нафас олиш бахтини қайтариб берди. Эрк яшар шоир қонида! Ҳар гал юртимиз байроғини кўрганимда, кўзимга ёш келади. Чунки бу озодликнинг ортида қанчадан-қанча аждодларимизнинг орзулари, қонлари ва армонлари ётибди. Шоир сифатида менинг энг катта бахтим — шу улуг кунларни кўрганим ва уни бор овозим билан, ҳеч қандай тўсиқларсиз қуйлай олаётганимдadir.

— Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ижодкорлар учун қандай

имкониятларни яратмоқда?

— Мен адабиётда ярим асрдан зиёд меҳнат қилган инсон сифатида бир нарсани аниқ айта оламан: ижодкор учун энг катта бахт — унинг сўзи қадрлиниши. Кейинги йилларда адабиёт ва маданиятга муносабат сезиларли ўзгарди. Китобхонликини кенгайтириш, ёзувчи ва шоирларни юксак даражада қўллаб-қувватлаш, ижодий учрашувлар, янги китоблар нашри учун яратилаётган имкониятлар бизга янада катта масъулият юклади. Менга ҳам Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвоннинг берилганини камтарин меҳнатимга билдирилган ишонч ва юксак баҳо, деб қабул қилдим. Бу эътироф мени янги асарлар яратишга, ёшлар билан кўпроқ мулоқот қилишга ундайди. Чунки адабиёт жамиятдан четда эмас, у халқ билан бирга нафас олади.

— Сизнинг «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» деган мисраларингиз бугун миллий шеърятимизнинг таширф қоғозига айланди. Сиз учун Ватан туйғуси қаердан бошланади?

— Мен ҳаётим давомида дунёни кездим, жуда кўп чиройли юртларни кўрдим. Аммо англаганим бир умрлик ҳақиқат бўлди: инсон ўзини қаердадир қулай ёки вақтинчалик бахтли ҳис қилиши мумкин, лекин Ватан ҳеч қачон иккита бўлмайди. Ватан — бу фақат географик чегара ёки замин эмас. У мен учун онамнинг алласи, болалигим ўтган

Хатирчининг тупроғи, тонг пайти тандирдан узилган иссиқ нон исидир. Мен доим ёшларга, талабаларимга айтаман: Ватан туйғусини юракка чуқур жойлаш керак. Уни қоғозда ёки шунчаки баландпарвоз сўзларда, мажбурият билан севиб бўлмайди. Юртдан айрилган, ундан узилган инсон — куйсиз бўлбулга ўхшайди. Менинг бутун ижодим, яқинда нашр этилган йирик «Saylanma – Baxt maydoni» китобим ҳам аслида шу битта муқаддас туйғуга — Ватанга бўлган чексиз муҳаббатга бағишланган эсселар, шеърлар ва дostonлардан иборат.

Дерлар, ширин сўзинг гадолари кўп, Ёниб турган кўзнинг адолари кўп, Юртлар бор, ҳаттоки худолари кўп, Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

—Самарқанд деганда хаёлимизда кўпинча

“

ШОИР СИФАТИДА
МЕНИНГ ЭНГ КАТТА
БАХТИМ — ШУ
УЛУҒ КУНЛАРНИ
КЎРГАНИМ ВА
УНИ БОР ОВОЗИМ
БИЛАН, ҲЕЧ ҚАНДАЙ
ТЎСИҚЛАРСИЗ
КУЙЛАЙ
ОЛАЁТГАНИМДАДИР.

мухташам обидалар, кўкка буй чўзган миноралар ва буюк ҳукмдорлар сиймоси жонланади. Аммо бу заминнинг ярим тарихи, унинг нафосати ва маданий юксаклиги аёллар — донишманд маликалар, олималар ва оташнафас шоиралар номи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шундай эмасми?

—Бугун биз ана шу олтин занжирнинг тарих ва бугунги кун орасидаги халқларини, афсуски, етарлича кўра олмаёпмиз. Самарқандлик ижодкор аёлларнинг овози нега бугун дунёга баландроқ эшитилмаяпти? Ваҳоланки, бу заминнинг айтадиган сўзи ҳали тугамаган.

Агар тарих варақларини очсак, Самарқанд маданиятини аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сароймулкхоним (Бибиҳоним) шунчаки малика эмас, балки йирик меъморий обидалар, мадрасалар бунёдкори, илм-фан ва санъат хомийси ҳам эди. У яратган илмий-маърифий муҳит Темурийлар Ренессансига мустаҳкам замин ҳозирлади.

Яна бир буюк аёл — Гавҳаршодбегим нафақат давлат сиёсатида ўз сўзини айтган, балки Ҳирот ва Самарқандда маданият ва санъатнинг гуллаб-

яшнашига улкан ҳисса қўшган. Ўша даврларда Самарқанд мадрасаларида аёл мударрислар, фикҳ ва ҳадис илмининг етук олималари дарс бергани ҳақидаги маълумотлар бу заминда аёлларнинг тафаккури нечоғлик юксак бўлганини кўрсатади.

Асрлар ўтди, аммо ўша юксак дид ва сўзга бўлган садоқат йўқолмади. Бугун ҳам Самарқанд замини ўзининг оташнафас шоиралари билан фахрланишга тўла ҳақли. Биз яхши билган, аммо кенг жамоатчиликка янада кўпроқ танитишимиз лозим бўлган ижодкорлар талайгина.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Зулфия Мўминова «Ёнаётган аёл», «Ватан ташлаб кетмайди» каби шеърлари орқали ўзбек аёлининг ички кечинмалари ва дардини миллат дарди даражасига кўтарди. Турон маликалари ҳақида асарлар ёзган ёзувчи Шаҳодат Исахонова, Самарқанд адабий муҳитининг таниқли шоираси Жумагул СувONOва, Гулжамол Асқарова, Гулшан Шерматова каби ижодкорлар асл сўзнинг ҳали ҳам тирикчилигини исботлаб келмоқдалар. Бибиҳонимлардан бошланган, Нодирабегим ва Увайсийлар билан давом этган маънавий занжир бугун ҳам Самарқандлик шоиралар ижодида яшамокда. Самарқанд фақат тарихий обидалари билан эмас, балки кеча ва бугун яшаб ижод қилаётган буюк қалб эгалари билан ҳам улугдир.

— Сиз узоқ йиллар Самарқанд адабий муҳитига раҳбарлик қилдингиз. Бу кўҳна шаҳар сизнинг ижодингизда ва бугунги адабий ҳаётда қандай ўрин тутади?

— Самарқанд — шунчаки мен яшаётган ёки ишлаётган шаҳар эмас, у менинг руҳим, менинг илҳом бешигимдир. Бу кўҳна заминнинг ҳар бир гиштида тарих сўзлайди. Мен Регистон майдонида юрганимда Мирзо Улуғбекнинг, соҳибқирон Амир Темурнинг нафасини туюман. Самарқанд адабий муҳити мени ижодкор сифатида тарбиялади ва чархлади. Йиллар давомида шу ерда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби, «Зарафшон» нашриёти директори бўлиб ишлаб, не-не устоз адиблар билан ҳамнафас бўлдим. Бугун Самарқанд халқаро технология университети (SIUT) профессори сифатида «Ватан сабоқлари»дан дарс берганимда, ёшларнинг кўзида Самарқанднинг буюк келажагини кўраман. Бу сеҳрли шаҳар мени ҳеч қачон қаритиб қўймайди, у менга доим ижодий иккинчи баҳорни бахш этади.

— Самарқанддаги ўзгаришлар ва у ерда ўтказилаётган халқаро тадбирлар одамлар кайфиятига қандай таъсир қилмоқда, сизнингча?

— Самарқанд ҳамиша дунё нигоҳида бўлган шаҳар. Кейинги йилларда буни янада яққол ҳис қилдик. Шаҳар ободлашди, янги масканлар барпо этилди, дунё давлатлари раҳбарлари ва бошқа юксак мартабали меҳмонлар кела бошлади. Энг муҳими, одамларнинг руҳияти ўзгарди. Самарқандликларда "бизнинг шахримизга бутун дунё қизиқяпти", деган фахр

туйғуси кучайди. Бу фақат бинолар ёки йўллар эмас, инсонларнинг дунёқарашидаги янгиланиш ҳамдир. Менимча, шундай муҳитда ижодкор ҳам янада илҳомланади. Чунки Самарқанднинг ҳар бир кўчасида тарих нафаси, ҳар бир кунда эса келажакка ишонч мужассам.

— Бугун биз глобаллашув ва рақамли технология асрида яшаймиз. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг адабиётга таъсирини қандай баҳолайсиз? У ҳақиқий адабиётни ўлдириб қўймайдими?

— Жуда тўғри ва бугунги кун учун ниҳоятда долзарб савол. Баъзилар интернет китобни, адабиётни йўқ қилади, деб ваҳима қилишади. Мен бу фикрга умуман қўшилмайман. Технология — шунчаки восита. Оловдан овқат пиширишда ҳам, уйни куйдиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет ҳам худди шундай. Бугун интернет туфайли биз дунё адабиёти намуналарини бир неча сония ичида топиб ўқий оламиз. Мен ўзим ҳам ижтимоий тармоқлар орқали ёш ижодкорларнинг шеърларини кузатиб бораман, уларнинг иктидоридан қувонаман.

Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Интернетдаги ахборот уммонида ҳақиқий адабиёт билан «оммавий маданият» маҳсулотлари, энгил-елпи ёзилган шеърсимон матнлар аралашиб кетди. Баъзи ёшларимиз қалин китоб мутлоасидан қочиб, ижтимоий тармоқлардаги юзаки мазмунларга чалғиб қолмоқда. Мени хавотирга соладиган

“

МЕН ҲАЁТИМ ДАВОМИДА
ДУНЁНИ КЕЗДИМ,
ЖУДА КЎП ЧИРОЙЛИ
ЮРТЛАРНИ КЎРДИМ.
АММО АНГЛАГАНИМ
БИР УМРЛИК ҲАҚИҚАТ
БЎЛДИ: ИНСОН ЎЗИНИ
ҚАЕРДАДИР ҚУЛАЙ
ЁКИ ВАҚТИНЧАЛИК
БАХТЛИ ҲИС ҚИЛИШИ
МУМКИН, ЛЕКИН ВАТАН
ҲЕЧ ҚАЧОН ИККИТА
БЎЛМАЙДИ.

энг катта жиҳат — интернетда тилнинг бузилиши, сўзга бўлган масъулиятсизликдир. Навоий тилини интернетнинг қисқартма ва пала-партиш тилига қурбон қилиб қўймаслигимиз керак. Ижодкор сифатида вазиамиз — интернет имкониятларидан унумли фойдаланиб, ёшларга ҳақиқий сўз санъатини, соф бадиийликни етказишдир. Электрон китоб ўқийдими, аудиокитоб эшитадими — муҳими, юракда адабиёт яшасин. Қоғоз китобнинг ҳиди, тафти ва варақланиш завқи эса барибир ўзгача, у ҳеч қачон ўлмайди.

**Журналист
Ҳилола ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.**



Матонат ва ирода тимсолига айланган ёзги Паралимпия ўйинлари ғолиби, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳибаси Асила Мирзаёровани бугун юртимизда танимаган, унга ҳавас қилмаган топилмаса керак. Халқаро ареналардаги тарихий ғалабалари орқали миллионлаб қалбларни ларзага солган бу иродали қиз бугун нафақат спортчи, балки ижтимоий ҳаётда ҳам фаол ёшлардан.

ШУНДАЙ ҚИЗЛАРИМИЗ БОР

АСИЛАНИНГ АСЛ ОРЗУСИ

Хўш, чемпионнинг бугунги ўй-хаёллари, олдига қўйган янги марралари қандай? Биз спортчининг дил сўзлари ва келажакдаги режалари билан қизикдик.

— Мамлакатимизда спорт ривожини янги bosқичга кўтарилаетгани бежиз эмас. Бу борада Президент ва спортчилар ўртасидаги тарихий учрашувлар муҳим аҳамият касб этмокда, — дейди Асила Мирзаёрова. — Жумладан, 13 февраль кунин бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз биз билан жуда самимий суҳбатлашдилар. Бу бизга кўтаринки кайфият, баланд рух бахш этди.

Спорт — фақат кураш майдони эмас, балки куч ва ирода синови ҳамдир. Бу майдонда, айниқса, жисман имконияти чекланганлар учун ғалабага эришиш йўли олис, кўз илғамас катта-кичик тўсиқлари бор. Оғир машқлардан иборат ҳаётини елкасида кўтариш фақатгина энг матонатли ва қатъиятлиларгагина насиб этади.

Юртимизда биз каби ёшларга спорт билан шуғулланиш, бўлажак чемпионларнинг иқтидорини намоён этиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир спортчиси ўзи туғилиб, вояга етаётган жойда машғулотлар ўтказиб, чиниқиб, тобланиб, жаҳон аренасида ўз кучини, салоҳиятини намоён этиши мумкин.

Мени илк бор спорт машғулотларига дадам олиб борди. Бундан тўққиз-ўн йил олдин кўриш қобилиятим сусаявергач, машғулотларда иштирок этишим сўроқ остида қолди. Шундан сўнг мураббийлар тавсияси билан енгил атлетика спорт турини танладим. 11-12 ёшларимда дастлаб югуриш, кейинчалик узунликка сакраш билан шуғуллана бошладим. Укам билан бирга машғулотларда қатнашиб, маҳоратимни ошира бордим. Кейинчалик у ўзининг иштирокидан кўра менга ҳамроҳлик қилишини айтиб, халқаро мусобақаларда қўлидан келганча кўмаклашадиган бўлди. Шу тарика 2020 йилда Токиода ўтказилган Ёзги паралимпия ўйинларида илк кумуш медалга сазовор бўлдим. Эришган ғалабамдан кўпчилик мамнун бўлса-да, бу натижа мени қониқтирмасди. “Йиқилиш ва қайта туриш — бу мутлақ ғалабага олиб борадиган йўл”, деган сўзни шиор қилиб танладим. Жаҳон аренасида токи юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳияси янграмас экан, менга ҳаловат йўқдек эди.

Ҳозирги кунга келиб бундан бир неча йиллар олдинги Асила орзу қилган ҳаётда яшаяпман. Енгил атлетиканинг узунликка сакраш спорт тури бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлиш билан бирга Ижтимоий ҳимоя

миллий агентлигининг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус вакили сифатида фаолият олиб бормоқдаман.

Уша видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари менга юзланиб: “Шижоатда тенгсиз қизим!” дея эътироф этганлари ғайратимга ғайрат, кучимга куч қўшди. Яқин истиқболда Лос-Анжелесда ўтказиладиган Паралимпия ўйинларида иштирок этиб, Ватанимизга яна олтин медал билан қайтишни мақсад қилиб турибман.

Ҳар қайси спорт машғулотлари ортида нечоғлик сабр, интизом ва қийинчилик борлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Шунини алоҳида таъкидлашга истардимки, бугун мамлакатимизда жисмонан имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигига мос бирор спорт тури билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Баланд марраларни кўзлаган ёшлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этиши таъминланаяпти. Спортчи учун энг қийини — бардошли бўлиш ва мағлубиятда таслим бўлмаслик. Машғулотлардаги ўзига яраша машаққатларни матонат билан босиб ўтган спортчи, шубҳасиз, ғолиб бўлади.

Азим АХТАМОВ
ёзиб олди.

ЖАҲОНДА СИЁСАТ

ИСРОИЛДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

Исроилда парламент сайловлари жорий йилнинг 27 октябрида ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда Кнессет (Исроил парламенти) ҳуқуқий маслаҳатчиси Сагит Афик парламент қўмитаси йиғилишида эълон қилди. 25-Кнессет ўз ваколат муддатини 17 июлда якунлайди, шундан сўнг Бош вазир Биньямин Нетаньяху ҳукумати расман вақтинчалик ҳукуматга ўтади. Май ойида Кнессет ўзини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади ва бу эрта сайловларга йўл очди. Бирок ҳуқмрон коалиция охирикйбат овоз бериш учун қонуний равишда белгиланган санани сақлаб қолди. Коалиция раҳбари Офир Кац сайловлар 27 октябрда бўлиб ўтишини тасдиқлади.



ГЕРМАНИЯДА ҲАРБӢЙ ХИЗМАТДАН ВОЗ КЕЧИШ ҲОЛАТИ КЎПАЙДИ

ГФРда жорий йилнинг биринчи ярмида ҳарбий хизматдан виждон эркинлиги асосида воз кечиш бўйича 5 минг 862 та ариза келиб тушган.

Бу ҳақда Федерал оила ва фуқаролик жамияти ишлари идораси маълумоти таъниб, “DW” наشري хабар берди.



Нашрга кўра, бундай ўсишга хавфсизлик билан боғлиқ вазият ҳамда Бундесверда қақирув тизимини ислох қилишга оид қонун таъсир кўрсатган.

Янги тартибга мувофиқ, 2027 йил 1 июлдан бошлаб, 18 ёшга тўлган барча йигитлар, ҳарбий хизматга ихтиёрий бормаса ҳам, мажбурий тиббий кўрикдан ўтади. Шунингдек, ихтиёрий хизматчилар етарли бўлмаган тақдирда парламент қарори билан мажбурий хизматни қисман қайта жорий этиш имконияти сақланиб қолмокда.

Ҳукумат 2035 йилга қадар Бундесвер шахсий таркибини 186 минг нафардан 260 минг нафаргача оширишни режалаштирган. Айни пайт аввал ҳарбий хизматдан воз кечган айрим фуқаролар ўз қарорини ўзгартираётган вазият ҳам кузатилмокда. Маълумотга кўра, 2025 йилда 781 нафар, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 233 нафар киши хизматдан воз кечиш аризасини қайтариб олган.

ФРАНЦИЯ ЖАЗИРАМАГА ҚАРШИ ФАВҚУЛОДДА РЕЖАНИ ИШГА ТУШИРДИ

Франция ҳукумати кучли жазирама туфайли мамлакат тарихида илк бор “Orsec” фавқулодда ҳаракат режасининг “ўта юқори ҳарорат” тартибини ишга туширди. Orsec – табиий офатлар ва йирик фавқулодда вазиятларда қўлланадиган миллий тезкор ҳаракат тизими бўлиб, бу сафар у рекорд даражадаги иссиқлик сабаб фаоллаштирилди.



Таъкидланишича, “қизил” даражадаги хавф эълон қилинган тўққизта ҳудудда мазкур режа амалга киритилган. Шунингдек, мамлакатнинг яна 72 ҳудудида “тўқ сариқ” огоҳлантириш жорий этилган. Франция миллий метеорология хизмати маълумотига кўра, шанба кунидан бошлаб “қизил” хавф даражаси яна 24 минтақага кенгайтирилади.

Жазирама ортидан ўлкада ёнгинлар ҳам кескин кўпайди. Йил бошидан буён 8 мингдан ортиқ ёнгин қайд этилган бўлиб, улар 25 минг гектардан зиёд майдонни кулга айлантирди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар юқори ҳисобланади.

Расмийлар аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида қариялар ва уйсизлар учун махсус совутиш марказларини очибга киришди. Шунингдек, мамлакат ишчи-фойхоналарига ўрнатилиши режалаштирилган 30 мингга кондиционернинг дастлабки 6 мингтаси ишга туширилган.

Манба: ЎЗА

“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ:

МУЛОҚОТ ВА МОНИТОРИНГ

лойиҳаларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади

Тадбиркордан ташаббус, банкдан молиявий кўмак. Бу тамойил орқали бугун кўплаб тадбиркорлар янги лойиҳаларни татбиқ этмокда, фаолиятини изчил кенгайтирмокда. Натижада, энг аввало, янги иш ўринлари яратилмокда.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш, ажратилган кредит маблағларининг мақсадли ўзлаштирилишини назорат қилиш ҳамда лойиҳаларнинг ўз муддатида ишга туширилишига эришиш мақсадида “Микрокредитбанк” АТБ раҳбарияти ва мутахассислари ҳудудларда тадбиркорлар билан учрашиб, очик мулоқотлар ҳамда инвестиция лойиҳалари мониторингини олиб бормоқда.

Мана шундай мониторинг давомида пойтахтимиздаги замонавий мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ENDLESS CONNECTION TRADE” МЧЖ фаолияти ҳам ўрганилди. Мазкур корхонада “Kashtan” бренди остида замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Мулоқот жараёнида МЧЖ янги лойиҳа устида ишлашаётгани, уни амалиётга жорий қилиш учун эса 72,6 миллиард сўмлик молиявий кўмак зарурлиги корхона таъсисчилари томонидан маълум қилинди. Шундан сўнг, банк томонидан корхонага зарур бўлган кредит маблағи молиялаштирилиб берилди.

– Бугунги кунда корхонамизда 700 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилиб келмокда, – дейди “ENDLESS CONNECTION TRADE” МЧЖ таъсисчиси Ойбек Тўғонбеков. – Биз “Микрокредитбанк” АТБнинг доимий миждо ҳисобланамиз. Ўрни келганда айтишим лозимки, банкнинг масъул ҳодимлари доимо биз билан алоқада бўлиб туришади. Молиявий жиҳатдан кўмак зарур бўлса, дарҳол ёрдам беришга интилишади. Шу боисдан ҳам, ишимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда, деб бемалол айтишим мумкин. Ҳозирда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотларини маҳаллий бозорларимиздан ташқари, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон



каби давлатларга экспорт қилмокдамиз. Корхонамиз фаолиятини янада кенгайтирмокчи бўлиб, янги лойиҳамизни банкка тақдим қилганимизда дарҳол молиявий кўмак беришди. Ушбу кредит маблағи эвазига лойиҳамизни ишга тушириш баробарида қўшимча 50 нафар ёш йигит-қизларни иш билан таъминладик.

– Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жойларга чиқиб, тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказаямиз, – дейди “Микрокредитбанк” АТБ Тошкент шаҳар бошкармаси бошлиғи Ақром Сулаймонов. – Очик мулоқотлар давомида уларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита тинглаб, янги хизмат турларини жорий қилиш борасидаги ташаббусларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмокдамиз.

Мониторинг давомида “Grand Dior” МЧЖ томонидан меҳмонхона хизмати ва туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ҳам ўрганилди. Умумий қиймати 31,7 миллиард сўм бўлган лойиҳа 22,2 миллиард сўм тадбиркорнинг ўз маблағи ва 9,5 миллиард сўм банк кредити ҳисобидан молиялаштирилган. Мазкур лойиҳа ҳам жорий йилнинг биринчи чорагида

фойдаланишга топширилиб, 35 та иш ўрни яратилди. Корхонанинг йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 20,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Шунингдек, истиқболли лойиҳалардан яна бири бўлган– “Ricomel Beverages” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган салқин ичимликлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам кўздан кечирилди. Умумий қиймати 183,7 миллиард сўм бўлган лойиҳа 2027 йилнинг биринчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, натижада 300 та иш ўрни очилади. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 219,3 миллиард сўмга тенг.

Банк томонидан жойларда олиб борилаётган бундай очик мулоқот ва мониторинг тадбирлари инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини янада кучайтиришга хизмат қилмокда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbekovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAYSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV